O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ | Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2001-yil, 26-oktabr • №43-44 (3631)


# ИЖОДКОРНИНГ ҚАЛБ АМРИ

Даврий ўзгаришлар, муаммолар ҳамиша ижодкор асарларида ўз инъикосини топади. Зеро, ижодкор ўз атрофида кечаётган жараёнларга фаол муносабатда бўлади. Негаки, унинг асосий ижод манбаи халқдир.

Жаҳонда тинчлик ва осойишталикка раҳна солувчи терроризм бугунги кунда мамлакатимиз ижод аҳлини ҳам безовта қилмоқда. Қўпорувчилик, бузғунчилик билан онгли равишда шуғулланадиган кимсаларни ким тарбия қилаётир? Ҳаётининг бош мақсадини ёвузликка бағишлаётганлар одам боласими ёки одамсифат шайтонларми?..

Бугунги кунда жаҳон жамоатчилиги – тараққийпарвар кучлар терроризмни ер юзидан супуриб ташлаш фикри билан яшамоқда, биргаликда курашмоқда.Жумладан, юртимиз ижод аҳли ҳам.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида шу масала алоҳида эътироф этилди. Йиғилишни уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очиб, бугунги кундаги долзарб ижтимоий воқеаларга, хусусан, жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида турган мудҳиш терроризмга мамлакатимиз ижодкорларининг муносабатини билдириб шундай деди: «Мен тўла ишонч ва фахр билан айтаманки, жаҳонда тинчлик ва осойишталикнинг барқарор бўлиши учун бошланган саъй-ҳаракатларда Ўзбекистон жуда тўғри ва одилона йўл тутмоқда. Биз – Ўзбекистон ижодкорлари терроризмни бутунлай қоралаймиз ва Юртбошимиз олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз».

Йиғилишда иштирок этган Президентнинг давлат маслаҳатчиси ўринбосари А.Мелибоев бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда зиёлиларнинг, айниқса, ижодкорларнинг масъулияти нақадар юқори бўлиши кераклигини таъкидлади. »Бугунги кунда жамият тараққиётига ва тинчлик-осойишталикка ҳисса қўшиш учун ҳар ким ўз ишини қилиши керак, — деди у. – Тарбиячи тарбиявий ишини, ўқитувчи дарсини, ота-она фарзанди тарбиясини изчил ва пухта давом эттириши лозим. Ижодкорнинг ўрни эса халқ орасида. Яъни ижодкорларимиз бугунги куннинг долзарб масалалари бўйича, хусусан, терроризмнинг жирканч қиёфасини очиб ташлашда ўзларининг ўткир фикр-мулоҳазалари билан меҳнаткашлар орасида тушунтириш ишларини олиб боришлари керак. Қолаверса, замонамиз қаҳрамонларини излаб топишлари зарур».

Шундан сўнг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, Ўзбекистон халқ шоири У.Азим, олимлар Н.Маҳмудов, Ҳ.Абдусаматов бу фикрларни қўллаб-қувватлаб, таклиф ва мулоҳазаларини баён этдилар. Айниқса, Ўзтелерадиокомпания раисининг ўринбосари Н.Маҳмудовнинг бадиий сўз усталари билан телевидение ўртасида замонамиз қаҳрамонларини кашф этишда ҳамкорлик қилишга даъвати кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Фаоллар кенгашида ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига кўпчилик овоз билан тасдиқланди. Сўнгра Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўйича раис ўринбосари лавозимига шоир Сирожиддин Саййид номзоди қўйилди. Бу номзодга ҳам қарши ва бетарафлар бўлмади.

Йиғилишда уюшманинг болалар адабиёти билан ишлаш кенгаши раислигига Н.Фозилов, рус адабиёти кенгаши раислигига ва «Звезда Востока» журнали муҳаррирлигига Суҳроб Муҳамедов тайинланди. Мажлисда шоирлар Зиёвуддин Мансуров, Инесса Финкелштейн, адабиётшунослар Норқул Бекмирзаев ва Равшанбек Маҳмудов уюшма аъзолигига қабул қилиндилар.

**Сафар ОЛЛОЁР**







*Бу авлод қадимдан отдан тушмаган,*
*Алпомишу Темур — ғururга тиргак.*
*Бугун ҳам фахрга тўлиқдир Ватан,*
*Ғурур-ла улғаяр ҳар митти юрак.*

*Улғайтириш ҳиссин гўё фарз билиб,*
*Оғушига олар серҳиммат бешик!*
*Ҳуррият, яшаймиз сенга топиниб,*
*Бунёдкорлик — янги замонга эшик...*



**Ш.АКРОМОВ олган суратлар.**

# ТИНЧЛИК – ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

## унинг барқарорлиги учун курашмоқ керак!

Бугун инсониятга қарши бош кўтарган террорчи жангариларнинг кирдикорлари бутун жаҳонга маълум. Эндиликда уларнинг ёвуз қилмишларидан огоҳ бўлмаган бирор кимса қолмаган. Жаҳон аҳлини ташвишга солаётган энг катта муаммо ҳам шудир.

*Муносабат*

Афғонистонда жойлашиб олган террорчилар қароргоҳларига берилаётган зарбалар давом этмоқда. Аксилтеррорчи кучлар томонидан берилаётган бу зарбаларни жаҳон афкор оммаси ҳаяжон билан кузатиб турибди. Ойнаи жаҳонга боқиб саросима ичра қолган жангарилару улар дастидан қочоққа айланган минг-минглаб бегуноҳ кишиларнинг ўзга юртларга улоқиб, дарбадар кезишларига кўзингиз тушади. Узундан-узун қазилган ҳандакларга беркиниб жон сақлаётган ёвуз тўдаларни ҳам кўрасиз. Ана шу илон изи ҳандакларни қазган, тоғу тошларда қурол кўтариб жонсарак изғиётган кимсаларнинг бу қўллари ўзига ҳалол нон-насиба, ризқ-рўз яратса бўлмасмиди, деб ўйлаб қоласиз.

Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, биргина ўтган йилнинг ёзида ўзларининг тинч меҳнати билан банд бўлган ўн мингдан ортиқ афғонлар толиблар тазйиқидан қочиб, мамлакат марказий қисмидаги баланд тоғли ҳудудларга бориб жойлашишга мажбур бўлишган. Улар омон қолиш учун ҳануз тоғу тошлар орасида жон сақлашаётир. Ақидапарстлар инсоният бошига солаётган бахтсизликларнинг санаб адоғига етиб бўлмайди. Уларнинг бу қадар ёвузликни “касб” қилиб олганликлари боиси нимада? Ким одамзод наслидан бўлмиш бу бандаи гумроҳларни йўлдан оздирди? Ким унинг қўлига инсониятга қирон келтирувчи ажал уруғини бериб, сенинг вазифанг фақат шундан иборат, дея уқтирди, ақли ҳушидан айириб, ношаръий, гуноҳ ишларга йўллади?!

Саволлар... Саволлар... яна саволлар. Ҳар нечук бугун бу саволларнинг жавоблари тайин. Бироқ барибир ўйлайсиз: бу қўллар қон тўкиш ўрнига омочнинг бошини тутса, ер ҳайдаб, уруғ сочса, боғ яратиб, ризқ-рўз ундирса бўлмасмиди?! Бу қўллар ёвуз ният билан жаҳонга ўқталмай, йўллар қурса, муҳташам иморатлар, уй-жойлар бино этса, тинч ва осойишта яшаётган болаларининг бошини силаб, ҳаёт деб аталмиш буюк неъматни ато этган Оллоҳга шукроналар айтса бўлмасмиди?! Дастига ажал сочар қурол тутган бу қўллар ўзгалар ҳаётига таҳдид этмай, бахтли ва осойишта яшаётган одамлар тинчини бузмай ўз оиласи, Ватани фаровонлиги учун тер тўкса бўлар эди-ку, дейсан бағогоҳ. Ва яна бу қўллар жаҳонга, бутун инсоният тамаддунини кунпая-кун этишга қасд қилмаганда олам аҳли хотиржам ва бахтиёр яшаган бўлмасмиди?! Улар таҳдид этмаганда қанчадан-қанча бегуноҳ чол ва кампирлар, норасида гўдаклар, ўн гулидан бири ҳам очилмаган сулув қизлар, жувонлар, оналар ўзга юртларда дарбадарлик азобини тортиб, бир парча нон топмоқ умидида улоқиб юрмасдан ўз юртида, мусаффо осмон остида хотиржам яшамасмиди?! Демакки, инсониятни терроризм балосидан тезроқ қутқармоқ керак.

Бугун бутун инсониятни ташвишга солган ва Афғонистонда жойлашиб олган қўпорувчиларга қарши давом этаётган ҳаракатнинг бош муддаоси ҳам шу. Терроризм балосига фақат бутун дунё аҳлининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билангина барҳам бериш мумкинлигини бундан бир неча йил аввал Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаб айтган эдилар. Сўнгги воқеалар ўша даъватлар нечоғли ҳаққоний ва ўз вақтида айтилганини кўрсатиб турибди.

Бугун Шимолий иттифоқ аскарлари ҳам Афғонистонни “толибон” жангариларидан озод қилиш учун ҳаёт ва мамот курашида жон олиб, жон бермоқдалар. Биз уларнинг ватанпарварлик ва озодлик йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаймиз. Негаки, бу кураш Ўзбекистон халқининг яқин қўшниларимиз, ва айни пайтда, бутун жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда тинч ва осойишта яшаш йўлидаги ҳаётий манфаатларига ҳар жиҳатдан мувофиқдир.

Иккинчидан, аксилтеррорчи кучларнинг ғалабаси умуминсоний тараққиётга хавф-хатар солиб турган террорчилар уясининг тугатилишига йўл очади. Ва шу билан бутун жаҳонда терроризмнинг тегирмонига сув қуйиб турган жаҳолатнинг илдизлари қирқилади. Қолаверса, минтақамизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги таъминланиб, бу буюк неъматдан барча халқлар тўкис баҳраманд бўлади. Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш, фаровонлик, мўл-кўлчилик яратиш йўлидаги имкониятларимиз янада ошади. Айни пайтда афғон заминидаги улуғ аждодларимиз ҳоки покларини эмин-эркин зиёрат қилиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

Бугина эмас, афғон диёрида тинчлик ва осойишталик барқарор бўлса, жаҳон денгизларига энг яқин масофалар орқали боғланадиган янги йўллар очилишига ҳам қулай шарт-шароитлар вужудга келади. Бу эса қўшни мамлакатлар қатори Ўзбекистоннинг ҳам иқтисодий тараққиёти учун зарур имкониятлар яратиши шубҳасиздир.

Ҳа, қўшнинг тинч — сен тинч, деб бежиз айтилмаган. Минтақамиздаги тинчлик ва осойишталик, айни пайтда, бизнинг ҳам тинчлигимиз ва осойишталигимиздир. Шунинг учун ҳам жаҳон саҳнида юз бераётган бугунги воқеаларга — қайси миллат ёки эътиқодга мансуб бўлмайлик, қаерда яшамайлик — бефарқ қараб тура олмаймиз. Зотан, бефарқлик, лоқайдлик бугун кўриб, кузатиб турганимиз — қонли тўқнашувларга олиб келди. Демакки, одам боласининг хотиржам яшаши унинг

**Давоми 2-бетда**

# НАВОИЙ АНЖУМАНИ

Биз кўп йиллар мобайнида Алишер Навоий ижодига асосан донишманд бобомиз туғилган кун баҳонасида мурожаат қилиб келдик: илмий анжуманлар ўтказдик, матбуотда, радио-телевидениеда тарғиб-ташвиқ этдик. Шукрки, Истиқлол туфайли бу одатимиз барҳам топиб бормоқда. Эндиликда Навоий асарларини ҳар куни ўқиш, мутолаа қилиш заруратини англай бошладик. Кеча — 25 октябр куни Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети ўтказган «Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш муаммолари» мавзуидаги семинар фикримизга бир далилдир.

Семинарда Алишер Навоий ижодини умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ўрганиш муаммолари бўйича профессорлар Б.Тўхлиев ва Ҳ.Болтабоев маърузалари тингланди. Муҳокамаларда эса адабиётшунос ва тилшунос олимлар, педагоглардан А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, М.Миртожиев, Ҳ.Дадабоев, А.Аъзамов, Н.Бекмирзаев, М.Қодиров, Ё.Тожиев, Н.Ғуломова ва Олий адабиёт курси талабалари фаол қатнашиб, семинар мавзуига доир фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

# ЗАМОН РУҲИ ИЛҲОМБАХШ КУЧ

## Маданият ишлари вазирлигида

Замонавий қаҳрамон масаласи ҳамма вақт долзарб бўлиб келган. Юртимиз истиқлолга эришганига ўн йилдан ошди. Бу даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Янгича онг ва тафаккур шаклланди, фермерлар, тадбиркорлар авлоди вужудга келди. Бугун ҳатто, бошланғич синф ўқувчиси ҳам Интернет нималигини яхши билади. Бинобарин, янги давр кўпчиликка ибрат бўларли замонавий қаҳрамонларни ҳам майдонга чиқармоқда. Бироқ, саҳнада уларнинг сиймоларини гавдалантириш борасида қилинган ишлар кутилган даражада эмас. Театрларнинг бу мавзудаги асарлари бор-йўғи 5-6 спектаклдан нарига ўтмайди. Фақат театр соҳасида эмас, санъатнинг бошқа турларида ҳам шундай ҳолни кузатиш мумкин. Шунинг учун ҳам Маданият ишлари вазирлигининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар орасида замонавий қаҳрамонлар сиймосини яратиш вазифаси бош масала қилиб қўйилди. Ҳайъат йиғилишини бошқариб борган Маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев бу ҳақда батафсил тўхталди. Асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан учрашувдаги маърузаларидан келиб чиқадиган вазифаларга, маънавий-маданий ишларни янада такомиллаштиришга, театрларимиз саҳналарида замонавий қаҳрамон образини яратиш муаммоларига қаратилди.

–Ўтган бир йил давомида республикамиз театрларида 140га яқин янги асар саҳна юзини кўрди, – деди шу масала юзасидан ахборот берган «Ўзбектеатр» бирлашмаси бош директори М.Абдуқундузов. – Уларнинг асосий қисми тарихий мавзудаги ҳамда мумтоз асарлар бўлиб, фақат ўн фоизини замонавий спектакллар ташкил этади. Албатта, «Бир кошона сирлари», «Қор одам воқеаси», «Кундузсиз кечалар» каби кўп жиҳатдан ибрат бўларли спектакллар ҳам бор. Бироқ маиший мавзулар доирасидаги ўртача савиядаги асарлар ҳали ҳам кўп. Ҳолбуки, Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, бугун ёшларимиз ибрат олиши мумкин бўлган

**Давоми 5-бетда**

# ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2002 йил учун обуна давом этмоқда.

**Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичи — 00222.**

**Ташкилотлар учун нашр кўрсаткичи — 00223.**

Обунани мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш тармоқларида расмийлаштиришингиз мумкин.

**Севимли газетангизга обуна бўлишга шошилинг!**

## Бу сонда:


АСОССИЗ ДАЪВОЛАР — 2

ҲАҚ СЎЗ ЙЎЛИДА — 3

МАҚОМ ВА ТАСАВВУФ — 5

ИЛГАРИ УЙЛАНГАН ЭКАНМАН — 6


# МАДАНИЙ ҲАЁТ

***Ўзбек миллий академик драма театрида Маданият ишлари вазирлиги «Бозор иқтисодиёти шароитида маданият ва санъат муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш масалалари» мавзуида семинар-кенгаш ўтказди. Кенгашни вазирнинг биринчи ўринбосари Эркин Эрназаров очди ва тадбирдан кузатилган асосий мақсад ҳақида сўзлади. Шундан сўнг Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи Б.Мусаев, Марказий банк департаменти директори ўринбосари М.Марпатов, Ташқи ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи Х.Саъдуллаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.***

***Семинар-кенгашда соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш, қишлоқ маҳалла марказларида маданият-ахборот марказларини ташкил этиш, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, театр-студиялари, бизнес, фермерлик ҳуқуқий меъёрлари бўйича курслар ва тўгараклар, «Интернет» кафелари ташкил этиш тавсия этилди.***

**М. КАРИМОВА**

***

**Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти маркази, Собир Раҳимов тумани «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ҳамда Маданият коллежи ҳамкорликда «Тилга эътибор – элга эътибор» мавзуида тадбир ўтказди. Унда олимлар, мутахассислар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда талаба-ёшлар иштирок этдилар.**

**Ф. БОБОЖОНОВА**

***

Тошкентдаги Санъат институтида ўзбек тили байрами муносабати билан «Она тилим — эрким, ғурурим, дилим» деб номланган кеча бўлди.

Унда институт проректори Ҳамидулла Икромов давлат тили ва унинг аҳамияти ҳақида сўзлади. Х.Зуннунова, Ш.Боймуродов, М. Имомбердиева ва бошқа талабалар ижросидаги қўшиқлар кечага файз бағишлади.

**Ҳ.ТОШКЕНБОЕВ**

* * *

***Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар театрида драматург Салоҳиддин Сирожиддиновнинг «Яхши гап йиртқични енгар» номли икки пардали эртак спектакли саҳналаштирилди. Асарни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, театрнинг бош режиссёри Иброҳим Нурмонов саҳнага қўйди. Спектаклдаги асосий ролларни актёрлардан Улуғбек Исахонов, Дилором Эгамова, Азиза Маматмуродова ижро этмоқдалар.***

***Саҳна безакларини театрнинг бош рассоми Ноиля Қараева ишлаган.***

**Э. ШУКУРОВА**

# БИЛДИРИШ

*Шу йил 30 октябр куни соат 14.00.да Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида **«Бу ёруғ оламда Ватан биттадир»** мавзуида ижодкорларнинг талаба ёшлар билан аксилтеррор ҳаракатларига бағишланган учрашуви бўлади.*

*Учрашувни Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов олиб боради.*

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси***

* * *

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси шу йил 1-3 ноябр кунлари Тошкент шаҳрида ***«Давримиз қаҳрамонлари образларини яратиш»*** мавзуида ёш драматургларнинг республика семинарини ўтказади.

Семинарнинг очилиши ва ижодий тадбирлари Ўзбек Миллий академик драма театри биносида бўлиб ўтади.

Ёш драматурглар гуруҳларига Тошкент давлат Санъат институти профессорлари Тоир Исломов, Теша Баяндиев, Ўзбекистон халқ шоири, драматург Усмон Азим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси драматургия кенгаши раиси Ҳайдар Муҳаммад, «Ўзбектеатр» бирлашмаси масъул ходими, драматург Ҳайитмат Расул раҳбарлик қиладилар.

Семинар тадбирларига шоир ва ёзувчилар, драматурглар, режиссёрлар, Санъат ва Маданият институтлари талабалари ҳамда барча қизиққанлар таклиф этилади.

**Ташкилий қўмита**

